

O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,
MA'NAVIY-MARIFIY,
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

2023-yil 14-aprel
№14 (4725)




10 апрель — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

Тошкент шаҳри марказидаги Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий боғи кейинги йилларда янада обод бўлди. Шинам йўлаклар, гулзорлар, кўркем манзаралар пойтахтимиз аҳолисининг кўнгилдагидек хордиқ чиқаришлари учун яратилган қулайликлар ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизнинг қайси гўшасида бўлманг, ана шундай ўзгаришларга, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига дуч келасиз.

Миллий боғда мухташам Адиблар хиёбони барпо этилди. Турли даврларда халқ кайғуси, юрт равнақи йўлида ижод қилиб, миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз фидойиси бўлган ижодкорларга ёдгорлик ўрнатилди. Гул-че-

ХАЛҚ ЮРАГИДАН ЖОЙ ОЛГАН АДИБ



чакларга бурканган саришта ва кўркем бу макон хамиша гавжум. Талабалар, зиёлилар, турли муассасалар вакиллари уларнинг хайкаллари пойига гуллар кўйиб, адабий гурунглар ташкил қилишади. Ҳар гал бу ерга йўлим тушганида, миллий маънавиятимиз ва маданиятимизнинг кўзгуси ҳисобланган мажмуанинг ташаббускори Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари ёдимга тушади: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар калбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”.

Давлатимиз раҳбарининг Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб хайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича берган тавсиялари асосида Тошкент давлат техника университетининг бу гўзал хиёбонга нисбатан дахлдорлик туйғуси кучайди. Академик Евгений Бертельс таъбири билан айтганда, “янги романчилик мактаби асосчиси” Абдулла Қодирийнинг хайкали бизнинг университетимизга бириктирилди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки,

академиклар Оқил Салимов, Тўлқин Мирқомиллов, Қахрамон Аллаев, Нодирбек Юсуфбеков, Муҳаммадкабир Баҳодирхонов, Азмидин Садриддинов, Хусан Эгамбердиев фаолияти Тошкент давлат техника университети билан боғлиқ бўлгани сабабли “академиклар даргоҳи” номини олган бу ўқув муассасасини энди “Абдулла Қодирийчилар” деб аташ бошлашди. Бундай баҳо қалбимизда чексиз фахр-ифтихор уйғотади. Бўлғуси инженер-техник ходимларнинг Абдулла Қодирий ижодини ўрганиши ва шу орқали Ватанга муҳаббат туйғулари юксалиши давлатимиз раҳбарининг Адиблар хиёбони борасидаги гоъялари нақадар оқилона бўлганининг амалдаги исботидир.

Замонавий ахборот технологияларини чуқур эгаллаган талаба ёшларимиз биринчи галда Абдулла Қодирийнинг ҳаёти, ижоди ва меросига бағишланган электрон платформа яратишга киришди. Бу ёзувчи ижодини тарғиб қилишда замонавий усуллардан фойдаланишнинг илк босқичи сифатида аҳамият касб этади, десам хато бўлмайди. Куёш барчага баробар нур сочгани каби, юксак истеъдод соҳиби Абдулла Қодирий асарларини ёшу кекса, касби қоридан қатъи назар, севиб мутолаа қилади, олим уламолар қарашларида ҳам, оддий ишчилар наздида ҳам уларнинг кадр-қиммати бирдек ошиб бораверади. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” сингари йирик романлардан тортиб, қисқа хикоялари-ю ҳажвий-сағирлик асарларигача – барчасини китобхоналарга етказиб беришда замонавий усуллардан фойдаланиш қатта аҳамият касб этади. Портални ахборот билан тўлдириш жараёнида профессор-ўқитувчилар бошчилигида Абдулла Қодирийнинг ҳаёти, ижоди, мероси, фаолияти ҳамда унинг номи билан боғлиқ бўлган жойлар, адиб яшаган маҳаллалар, оксоқолларнинг фикрлари ўрганилиб, янги-янги маълумотлар тўпланди.

Ёзувчи ҳаёти ва ижодий меросининг очилмаган қирраларини очиш учун унинг оила аъзолари билан суҳбатлар, асар ёзиш жараёнидаги адибнинг борган жойлари бўйича экспедициялар уюштирилди. Буларнинг барчаси биз учун қатта маънавий хазина. Тўплаган материаллар улуғ ёзувчи Абдулла Қодирий сиймосини янаям ёрқинроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Янгилаётган Конституция

ЯНГИ ЎЗБЕКISTONNING ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ



Янги Ўзбекистонда янги Конституция қабул қилиниши муносабати билан туман ва шаҳарларда, чекка ҳудудларда “Конституция меники, сеники, барчамизники!” шиори остида ўтказилаётган референдумолди тадбирларга аҳоли турли қатламларининг қамраб олиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юксак аҳамиятга молик бу воқеа, албатта, юксак масъулиятни – бугунги, келажак ҳаётни қандай қуриш фуқароларнинг ўзларига боғлиқ экани масъулиятини ҳис этишни талаб қилади. Эл орасида ном қозонган шиору жамоат арбобларининг, хонанда-ю созандаларнинг чиқишларида эса, унинг залвори сезилиб турганини пайқаш қийин эмас.

Навоийхонлик

“ИШИМ ҚИММАТИНГ БИРЛА ТОПСУН НИЗОМ...”

Юртимизда ойларнинг шултони Рамазони шариф ҳукм сурмоқда. Бу улуғ ой ҳақида буюк мутафаккирлар ўзларининг асарларида тўхталишган ва замондошларини ҳидоятга, комилликка ундашган. Бу улуғ ойда ҳар бир мўмин-мусулмон ўзини ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам жисмонан поклаб, ростлаб олиши табиий.



Шерқон ҚОДИРИЙ

“ОБИД КЕТМОН”ГА ҚАЙТИБ...

Адабиёт тарихидан маълумки, Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён”ни тамомлагач, “Амир Умархоннинг қанизи” номи тарихий роман ёзмоқчи бўлган. Аммо 1932 йили 23 апрелда ВКП (б) Марказий Қўмитаси “Адабий-бадий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида” қарор қабул қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев (1896–1938 йиллар) адибни ҳузурига чорлаб, қишлоқ ҳаёти ҳақида бирор асар ёзишни таклиф этади. Бобомиз қишлоқ ҳаётини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳри яқинидаги Кўктерак қишлоғига йўл олади... Гоҳ отда, гоҳда пиёда юриб, далаларни кезади, пахта чопиқларида қатнашиб, бободоҳқонлар билан суҳбатлашади. Шу тариқа “Амир Умархоннинг қанизи” романи ортга сурилиб, “Обид кетмон” қиссаси ёзилади ва асар 1935 йилнинг бошларида нашрдан чиқади.

Ҳалима АХМЕДОВА

КЎКСИМДАГИ ЮРАК ГУЛОБИМ ЭДИ



Кўзимни юмаман беҳолдан беҳол,
Кўнглимда мизғийди бир парча осмон.
Яшил пардаларни силқитар шамол,
Куртақлар ичида беркинган тугён.

Шеърлий лаҳза

АМИР ШЕЪР

Ёвузлар топтаган бу тупроқ гоъят Мунғайди, адоват чикди авжига. Мағлуб ва паришон юрда, ниҳоят, Халоскор туғилди – Қирон буржида.

Озодлик туйғуси қонда гупурди – Дунёни чулғади аждодлар шони. Ваҳший тўдаларни гўё супурди Бепоён ҳудуддан Турон султони.

Бу не кўргуликдир одамни одам Ҳақорат айласа, этса занжирбанд? Зулмат кўргонига ўт қўйиб шаҳдам, Эзгулик яловин кўтарди баланд!

“Қаҳр қуюнлари чиқармас тутун, Сиз энди озодсиз! – деди Туронга. – Зулмга йўл йўқдир! Бирлашинг бутун, Офият ёр бўлсин жумла жаҳонга!...”

Тарихни кўрингиз, эй, ахли башар, Бир улги олайлик шонли умрдан. Бу олам ўрганса мудом ярашар, Тинчлик деб от сурган Буюк Темурдан!

Сирожиддин РАУФ

Муҳокама учун мавзу

Таассуф билан айтиш керакки, кейинги вақтларда қулоқни ба-танг қиладиган, бошни говлатадиган реп, рок оҳангларига мойил, “бэбби бумер”ларга кўр-қўрона эргашадиган ёшлар кўнаймоқда. Ҳолбуки, бунақа реп, роклар инсондаги ҳайвоний инстинктларни авж олдиришга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам бунақа оҳангларга “шайтоний мусиқа” деб ном берилган.

БОШ МУҲИММИ ёки ОЁҚ?

Инсон ҳақ-ҳуқуқи, эркинлигига амал қилиш керак, деган тушунчадаги Ғарб жамияти бунақа маза-матрасиз оҳангларга шунчаки вақтихушлик деб қаради, лоқайдлик қилди ёки уни кишиларни жамиятнинг долзарб вазифаларидан чалғитиш воситаси, деб билди. Охир-оқибат реп, рок ва шу қабилар инсон маънавиятини емиришни, лоқайдлик, сурбетлик, худбинлик иллатларини авж олдиришни ўзлари ҳам тушуниб етдилар. Аммо энди кеч, ёвуз оҳанглар оммалашиб улгурган эди! Дунё эътироф этган Бетховен, Бах, Моцарт, Шуберт, Чайковский каби буюк бастакорларнинг эзгулик ва инсонпарварлик руҳидаги мусикаларини эшитувчилар кескин қайғиб кетди. Буни Ғарб оммавий ахборот

воситаларида ўша жойнинг етук му-тахассислари очик эътироф этмоқда.



Ғарб дунёсини фақат қора рангларда кўрсатиш ҳам адолатдан эмас. Бир воқеани яхши эсламан. Тошкент университетини битириш арафасида яқин дўстларимиздан бири



Халима АХМЕДОВА



Йўлга тушдим яна болагимнинг Бегубор ошени – кишлокка караб.

Шаббод пуркайди боғлар атрини, Кўнгилдан чинкириб тўкилади ғам.

Йўлга тушдим тинглаб гўзал шеър янглиг, Ё Аллох, каломинг бокира баргдан.

Карахтман хавога ботиб оёгим, Кўзимга тикилар яшил булутлар.

Қишлоғим йўлининг чангидан ҳатто, Таралиб кетади мушк анбарлар.

Елкалари чўккан ҳовлига кириб, Она, деб хайкирдим паришон, алфоз.

Айвонда уникқан рўмолин кўриб, Онам йўқлигини англадим бирдан

Йўлга тушдим яна... эргашма қайғу, Тушқунликдан чиқай чиққандай гордан.

Набижон ҚОДИРОВ



Дадам ўртоқлари билан тоғ бағридаги қайсидир бир кишлокка дам олиш учун икки кунлик саёхатга чиқмоқчи бўлди.

– Тўғри, бир кун минг кун бўлармиди,– деди яна кимдир. – Собитнинг уйига тушамиз,–гапни чўрт кесди Комил ака деган семиз киши.

Ўз чилласи бўлишига қарамай бу ерлар салкин эди. Ташдан тошга урилиб шаркираб оқаётган сойнинг муздай сувидан ичиб чанқоғимизни қондирдик.

КҲҚСИМДАГИ ЮРАК ЙҮЛОБИМ ЭДИ

Ўтган кунларимни териб олай мен, Худо караб турган бу майсазордан.

Йўлга тушдим яна...

Ёшлигим бўларди... Болари талаган гулга яқинроқ. Дарахтларга яқин, ёмғирга яқин, сувларга яқин.

Хижроннинг номаси ишқдир, Умр вайронаси ишқдир, Жоннинг хангомаси ишқдир,

Сочим оқ, қўлда титроғим, Саргайиб кетди сўроғим. Тугарми рақси кайроғим?

Юсуф эмасмиди порсо, Бир ўзимга минг Зулайхо,

Бу не ғавго, бу не жазо, Ман ундан қоча билмасман.

Ёр исми лабга келгайдир, Азоби қалбга келгайдир, Соғинч талабга келгайдир,

Қонимни куйдирма, гулхан, Бу не базм, не анжуман, Ишқ курди кўксимга ватан,

Сен шаҳаншоҳу сен ғани, Ичказиб май қаби ғамни. Нетарсан маст Ҳалимани,

Йўлимни йўқотдим тўрт томоним берк, Ким у тирикчилигим қилган масхара?! Нечун нафасим йўқ май боғларида,

Хилватларда занглаб ётибди ишқ ҳам, Чумолилар судраб кетар қайгадир. Тутдай тўкилган у хижрон ғамини,

Тўрт томоним берк, Осийманми, йўқ-йўқ, тонмайман, О, Зулайхо эдим қачондир

Карахтман, кўзларим туман ичида, Юрагим эзди аллақандай қўл. Бир куш сайраяпти дарахт учиди,

Деразамнинг хира тортган кўзига Яшил пардаларин илибди баҳор.

Алмосқодан қолган тубсиз дунёга Нега келган эдим, чиқди ёдимдан.

Кўксимда зангалаган қанча орзулар Ва яна эртанинг ҳаққи-хурмати.

Кўзимни юмаман бехолдан бехол, Кўнглимда мизгийди бир парча осмон.

Шаддод шаббоданинг қуйлаши ғамгин, Гарчи баҳорда бор ишқнинг нафаси.

Сабзранг кунларга қайтаргин Раббим, Рухим чўмилтирай яна зиёга.

Мен биламан, бари тугайди бир кун, Жонимга теккан ул кунлар жилваси

Могорлаган қўнгил хидидан ноғох, Чучкириб уйғонар олча гуллари.

Куёшга қараган дарчани очиб, Баҳор чехрасига боқарканман жим,

Янчилган ҳисларим йиғаман тагин, Токи қўнглим билан олай ярашиб.

Қайғу олаמידан қайтганим маҳал, Тирикчилигим тан ол, этмагин инкор.

... Мен биламан бари тугайди бир кун.

“Жонон бўламан...” кўшиғи янгради.

Даврада ўйин-кулги бошлибди кетди. Комил ака қўшиққа монанд энгил ҳаракатлар қилиб ўйнади, ўтирганлар “Яша! Ҳа, дўст!” дейишиб,

Кутилмаганда Собит ака бизнинг олдимизга шошиб келди-да, кўзларини олайтириб Ҳамалга дўқ урди:

– Сен оксоқол бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Қани, тезда йўқол!

Ҳамал мустар бўлиб ўрнидан турди ва индамай ичкари ховлига ўтиб кетди. Баланд мусика садолари остида айтилган бу гапни мендан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Ашула тугаб, ўтирганлар бироз тин олишди. Ҳар ким ҳар томонга тарқалди. Дадам мен билан бирга айланиб келмоқчи эканини айтган эди,

Ичкаридан Собит аканинг дағдағали овози эшитиларди.

– Сен ярамас кекса-қари, нега катталар ўтирган дастурхонга келиб қўшилдинг! Гапир!

Секин деразадан мўраладим. Собит ака ўғлини аямай бир тарсаки урди.

Ҳамал мик этмас, Собит ака эса тобора жазавага тушарди.

– Ҳеч кимга индамай, меҳмон болани қаерга олиб кетдинг. Хавотир олади демадингми? Гапир, дайди-саёқ! Ҳали меҳмонлар кетсин, сени шундай тазьирингни берайки...

Шаҳд билан ичкарига кирдим. – Амаки, мен дадамдан руҳсат олгандим.

Ҳамални уришманг,– дедим ёлворган оҳангда. Собит ака мени кўриб анча ховридан тушди.

– Яхши, сен дадангдан руҳсат сўрабсан, бу

ярамас ўзбошимча-чи?

– Кечира қолинг... Энди ундай қилмайди. – Сен жиян, яхшиси бу томонга кирма! Бу аҳмоқ бола билан ўйнама!

Собит ака жавондан қатта-кичик шишаларни олиб халтага жойлади-да, уйдан чиқиб кетди. Ҳамал индамай бир нуктага тикилиб турар, чап қулоғи кип-қизил, кўркувдан ранги доқадай оқариб кетган эди.

– Мени кечир, Ҳамал. Ҳаммасига мен айбдорман. Хафа бўлма... Даданг барибир сени яхши кўради, – дедим уни юпатмоқчи бўлиб.

Ҳамал бирдан хўнграб юборди. Уни ўз холига қўйиб ташқарига чиқдим. Менга ҳеч нарсанинг қизиғи қолмади. Қани энди вақт тезроқ ўтса-ю, уйимизга кетсам. Сўрида Собит ака лағифа айтар экан, тиззаларини ушлаб ёқимсиз хоҳолаб қулар, атрофдагилар уни олқишлаб чарчамасди.

Тонг отди. Мен эрталабдан зерика бошладим. Ҳамал бугун менга Зангорқўлни ва ундаги антика балиқларни кўрсатмоқчи эди. Афсус...

Уни роса кутдим. Қайтиб ташқарига чиқмади. Кетаётганимизда ичкари ховли эшигидан мўралаб мени имлаб қақирди. Чопиб бордим. У оғзи маҳкам боғланган халтани қўлимга тутказди:

“Дадам билмасин, хайр”, – деди-да тезда эшикни ёлди.

Машина ўрнидан жилғач, ўша халтани очиб қарадим. Илдизлари қартоқкага ўхшаш гул қўчатлари. Ишқилиб, халтани олаётганимни дадаси кўриб қолмадимикан? Комил аканинг гапидан ҳаёлим бўлинди.

– Бечора Собитнинг пешонаси шўр экан. Ўн йиллик рўзгоридан фарзандсизлик туфайли ажрашибди. Яна бир болалик аёлга уйлانган эди, ундан ҳам муроиди ҳосил бўлмади. Шундай яхши одам... Бир кам дунё экан-да.

Ҳамма тўлиб-тошиб Собит акани мактар, унинг чинданам улфат эканини таърифларди. Бу гаплар менинг қулоғимга қирмас, негадир фақат Ҳамални ўйлардим.

Ҳ А М А Л

– Даврон. Сеники-чи? – Ҳамал! Биз тезда тил топишиб кетдик. Ҳамал қанчалик қувноқ бўлмасин негадир кўзлари маънос бокарди.

дик. Ичкарига киришга кўрқдик. –У ерда ажиналар бор,–деди Ҳамал ваҳима қилиб. – Ким кирса оғзи қийшайиб қола-миш.

Девларни эслатадиган харсангтошлар, эртақдаги кўркинчли махлуқларга ўхшаш баҳайбат қояларни кўриб хайратим ошди.

Бунни кўрган Ҳамал қувонарди. Айниса, қандайдир ўт оёғимни аридай чимиллатиб қаққанида:

– Чаёнўтни кўрмаганмисан?”, деб мириқиб қулди.

Ҳамал эртаси кунни мени Зангорқўлга олиб боришини, у ерда ғалати шохдор балиқни кўрсатишини айтди. Дарров рози бўлдим.

Давранинг бир четига тортиниброк ўтирдик. Шўрвадан эндигина бир-икки қошиқ ичган эдикки, даврага кичикрок сандикдай келадиган радиоприёмник кўтариб Собит ака кириб келди.

У приёмникни бир четда турган хонтахта устига қўйиб тоққа улади ва патнисдай келадиган пластинкани жойлаб овозини борича кўтарди.



Суратда: (чандан) Назир Сафаров, Эътибор Охунова, Иззат Султон. 1970 йиллар.

